

## ИСЛОМ МОЛИЯСИГА АСОСЛАНГАН БАНК ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Набиев Ислом Отабек ўгли  
Ўзбекистон Республикаси банк  
молия академияси тингловчиси*

**Аннотатсия:** Мазкур мақолада Юртимизда ислом молияси тармоғи асосида банк хизматлари тизимини ташкил этиш ва унинг истиқболлари масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Ислом молияси, ислом банки, соф фойда, ижара, мурабаҳа, Ислом молиявий банки.

Сўнгги йилларда исломий молия FinTech соҳалари билан бир қаторда, шунингдек, халқаро молиявий хизматлар саноатида энг жонли ва шу билан бирга ҳали кўзга яққол ташланмаган тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ислом молиясига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг 35 миллион ортиқ аҳолига эга муҳим давлати, аҳолисининг 93 фоиз қисми мусулмонлардир. У нафақат газ, нефть ва бошқа табиий ресурсларга бой, балки азалдан ҳам илм ва ислом динининг марказларидан бири бўлиб келган.

Дастлаб, 2003 ва 2004 йилларда Ўзбекистон ИТБ ва хусусий секторни ривожлантириш ислом корпорациясига (ICD) аъзолиги орқали ислом молиясини тан олиш йўлида муҳим қадамлар қўйди. Бу институтлар ва ҳукумат ўртасидаги барқарор алоқалар исломий молияга ушбу бозорга кириш нуқтасини қўлга киритиш имконини берди.

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномада таъкидлаганларидек- “Мамлакатимизда Ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш вақт-соати этиб келди. Бу борада Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этилади”<sup>1</sup>*

Исломий банк ислом асосларига таянган ҳолда, рибога аралашмасдан банк ишларини юргизадиган банкдир. Бу банк музораба учун қарз олади ва бошқаларга музораба, муробаҳа, ижара учун ва шу каби шаръий молиявий муомалалар учун маблағ беради.

Ислом молияси тизими — бу пул маблағларидан фойдаланиш ва тақсимлаш жараёнида Ислом ҳуқуқи қоидаларига мос келувчи иқтисодий муносабатларни

<sup>1</sup> <https://president.uz> 12.2020 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасидаги нутқидан. статиста.ком 2021.

ўз ичига оладиган Ислом экотизимининг бир қисмидир. Масалан, Ислом динида қарз бериш ёки олиш эвазига фойда кўриш тақиқланган, барча молиявий жараёнлар эса ҳақиқий иқтисодий фаолиятга асосланган бўлиши керак. Одамга зарар етказиши мумкин бўлган соҳаларни молиялаштиришга рухсат берилмайди — масалан, қимор ўйинлари, алкоголь, тамаки маҳсулотлари ва бошқалар.

Ислом банклари лойиҳаларни молиялаштиришдан фойда олишади. Омонатчилари фақатгина дивидендларга эътибор қаратган ҳолда, ўз маблағлари нималарга инвестиция қилинишини билмайдиган анъанавий банклардан фарқли равишда, Ислом банкларида омонатчи пул маблағларининг келгусидаги ҳаракатини кўриши мумкин, бунда маблағ бизнесга инвестиция қилинади ҳамда фойдаси банк ва омонатчи ўртасида бўлинади.

Ислом молиясини осон тушуниб олишингизга ёрдам берадиган бир нечта атамалар мавжуд.

«**Муробаҳа**» — бу товар нархига устама қўйиладиган ва қўйилмайдиган ҳалол муддатли тўлов. Бунда Ислом банклари маҳсулот ва хизматларни харид қилиш ва кейин уларни муддатли тўловга сотиш билан шуғулланади.

«**Мушорака**» — битта ғоя ёки ишни биргаликда молиялаштириш. Жисмоний шахслар ва корхоналарнинг иштирок этишига рухсат берилади. Анъанавий иқтисодиётда ушбу схемани ҳиссали молиялаштириш деб аташади.

«**Музораба**» — сармоядор ўз маблағини келгусида бизнесни ривожлантиришга сарфланиши учун молиявий ташкилотга беради. Фойдани тақсимлаш шартлари олдиндан келишиб олинади.

Ислом банк иши ва молияси шариат тамойилларига асосланган бо'либ, одатда фоиз сифатида талқин қилинган рибони то'лаш ёки олишни тақиқлайди. Ислом жамиятининг Ўрта асрларда кредитлаш воситаси бу «Қарз ал-ҳасан» деб аталган фоизсиз кредитлардир. Қизиғи шундаки, шариат пулнинг вақт қийматини тан олади, чунки ислом қоидаларига кўра тўлов муддати кечиктирилган ҳолда сотиладиган товарнинг нархи унинг ҳозирги қийматидан фарқ қилиши мумкин. Шариат бизнес операциясида ортиқча тўловларни тан олган бўлсада, кредитлаш фаолиятида буни тақиқлайди. Ислом молияси “*Фикҳ ал-Муамалат*” номи остида қайд этилган операциялар устуворлиги асосида ривожланди. Бу операцияларни асосан қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1) Қарзга асосланган молиялаштириш: Бу ерда молиячи асосий активларни сотиб олади ёки куради ва кейин уни мижозга устама эвазига сотади. Савдо бир ёки бир неча бўлиб тўлаш билан кечиктирилган тўлов асосида амалга оширилади.

2) Лизингга асосланган молиялаштириш: Молиячи асосий активларни сотиб олади ёки куради ва кейин уни мижозга ижарага беради. Ижара муддати

тугагандан сўнг (ёки ижарага мутаносиб равишда) эгалик ҳуқуқи тўлиқ ёки қисман мижозга ўтади.

3) Фойда ва зарарни тақсимлашда: Молиячи ва мижознинг шериги амалга оширган фойда ёки зарар олдиндан келишган нисбатга мувофиқ тақсимланади.

Ислом шариатида *рибодаги* чекловлардан ташқари, эътиборга олиниши керак бўлган бошқа тақиқлар ҳам мавжуд. Мисол учун, шариатга кўра, барча шартномалар “*зарар*”дан холи бўлиши керак, бу тор маънода ҳаддан ташқари ноаниқлик деб талқин этилади. Демак, юқорида айтиб ўтилганидек, ислом молия институтлари молиявий деривативларни ва бошқа турдаги шартномаларни (шу жумладан суғурта полисларининг турли шакллари) қўллашда баъзи чекловларга дуч келади. Бундан ташқари, исломий молиявий ташкилотларга алкоголь, қимор ўйинлари, ноисломий молиявий хизматлар, порнография, тамаки маҳсулотлари ёки қуроллар билан боғлиқ фаолият билан шуғулланадиган компанияларга сармоя киритишга рухсат берилмайди. Исломий молия институтларининг барчасида ижроия бошқаруви ва ислом уламоларидан ташкил топган *шариат* кузатув кенгаши мавжуд бўлиб, улар ташкилот фаолиятини *ислом шариати*га мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиб боради ва таъминлайди.

Ислом банклари бугунги кунда жуда юқори ўсиш суръатига эга бўлган молиявий соҳадир. Исломий молиявий хизматларнинг айрим шакллари ҳозирда камида 70 мамлакатда мавжуд. Ислом банклари нафақат ислом шариатида тақиқланган фоизларга асосланган транзакцияларни ман қилади, балки ахлоқий ва ижтимоий бўлмаган амалиётларни ҳам тақиқлайди. Амалий маънода ислом банк иши – бу оддий пул кредитини моддий активлар ва реал хизматларга асосланган операцияларга айлантиришдир. Ислом банк тизими модели иқтисодий фаровонликка эришишга ёрдам берадиган тизимга олиб келади.

Сўнгги йилларда мусулмон ва мусулмон бўлмаган мамлакатларда ислом банкларининг ўсиши жадаллашмоқда ва исломий молия, айниқса банк иши бугунги кунда дунёдаги энг тез ривожланаётган молиявий тармоқлардан бирига айланди. Ҳозирги кунда дунёда 300дан ортиқ ислом банклари мавжуд. Ислом банкларининг асосий марказлари, асосан, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази минтақасида: Эрон, Қувайт, Малайзия, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирлигида жойлашган. Бу банклар назорат қиладиган активларнинг умумий миқдори тахминан 200-500 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Статистик маълумотлар бу банкларда йилига 10-15% ўсиш суръати мавжудлигини кўрсатмоқда<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> <https://www.statista.com/statistics> 2021

Умумий хулоса қилиб айтганда, Islamic Fintech соҳаси фаолияти 2025-йилга бориб прогноз қилинган транзакциялар ҳажми жами 128 миллиард АҚШ долларини [ташқил этиши кутилмоқда](#)<sup>3</sup>.

Инвесторлар ҳам бу соҳадаги бу кучли ўсишни тан олмақда, Инвестициялар бўйича кутилаётган ўртача битим ҳажми 5 миллион долларни ташқил этди, бу эса инвесторларнинг келгуси йилларда ислом Fintech кўрсаткичларига катта умид боғлашининг яна бир далилидир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Е.А. Байдаулет. “Ислом молия асослари”, “Ўзбекистон” Тошкени 2019й. 34-бет
2. Hans Visser. Islamic Finance: Principles and Practice. – Edward Elgar, Cheltenham, UK • Northampton, MA, USA, – 2009.
3. Судин Хорун, Ван Нурсофиза Ван Азмий. Исломий молиялар ва банк тизими: фалсафаси, тамойиллари ва амалиёти. Қозон: Линова-Медиа, 2012. – 536-б.

<sup>3</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2022/10/17/islamic-finance/>